



Банда, ранжур бўлмагин, чун дилда асrorинг, Манам,  
Сен мени ёдингга олсанг, Мен сени ёринг, Манам.  
Етти дўзах тафтидин зинхор, бандам, кўркмагин,  
Химматингни тут баланд, дўзахда гулзоринг, Манам.  
Онани корнида эрдинг, сенга жон берган Ўзим,  
Сен мени ёдингга олсанг, мен сани ёринг, Манам.  
Хар кишидан минг ситам кўрсанг менга арзингни айт,  
Умр савдосини нобуд этма, бозоринг, Манам.  
Ота- онангдан улугрок меҳрибонингман сени,  
Жумлайи раҳматта еткурғувчи Гаффоринг, Манам.  
Олиб бориб тонгла лаҳадга, мурда жисминг кўмсалар,  
Кўркмагин ул гўрдин, охир хабардоринг - Манам.  
Яхши бўлсанг, Жаброилдин хам улуг килгум сени,  
Гар ёмон бўлсанг агар, сўзондаги норинг, Манам.

Шарх: Банда ранжур бўлмагин...

Кудсий калом: Эй бандам, Менинт зикрим билан яшагин. Шундагина кайгу-изтиробларингбарҳамтопур. Зикр этсанг, Менга содик бўлсанг, мудом сенинг ёнингда ва химоятингда Ўзим тураман. Роббим — Аллоҳ десанг дўзах ўтидан сенга хавф йўқ. Химматли мўъмин бўл, азобда зорланмайсан. Зеро, она корнида бир парча гўшт эканингда сенга жон бериб, дунёга келтирган Ўзимман. Мени унутма, шунда дўстимга

айланасан. Жохил бандалардан зулм кўрсанг, арзингни Ўзимга айт. Бошкалардан имдод кутиб, умринг ганжини ханого сонурма. Мен ота-онангдан кўра меҳрибонман. Тавба килсанг, кечиргувчи Гафформан. Умринг сўнггида дунё ахли сени лаҳадга ёлғиз ташлаб кетурлар. Мени Роббим десанг, кўркмагилки, лаҳадингга нур бергувчи, холингдан хабар олгувчи Аллохингман. Оламда неки мавжуд — менинг хукмимдадир. Шундай экан, Мени таниганлар зулмда ҳам хикмат кўрурлар. Иймон эгаси бўлсанг, фаришталаримданда улуг киламан. Фосик бўлсанг — дўзахда куйдиргувчи ҳам Ўзимман.

Рахматуллох Носирнинг  
"Соз билан суҳбат" китобидан